УзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Уз. ССР. ...китоб палатаси УзССР
2-1297

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

18 ноябрь, сешанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 234 (1751)

## ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗ — МУШТАРАК

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИ ЖАМОАТЧИЛИГИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Шарқ жавоҳири, бой тарихимизнинг рамзи бўлган Самарқанд шаҳрида сизларнинг номингиздан «Ҳиллари Клинтон хоним, Ўзбекистонга хуш келибсиз!» деб такрор-такрор айтишни истардим. Бугун бу ерда ҳозир бўлган барча америкалик дўстларимизга ҳам чин қалбимдан: «Хуш келибсиз!» дейман.

Мен, аввало, Клинтон хонимга Ўзбекистонга ташриф буюриш учун имконият ва вақт топгани, Бухоро ва Самарқандни кўриш истагини билдиргани учун сизларнинг номингиздан самимий миннатдорлик билдиришни истайман. Мен буни Америка Клинтон хоним сиймосида Ўзбекистонга кўрсатаётган катта ҳурмат ва катта қизиқиш деб биламан.

Биз бу ташрифда Ўзбекистон ва Қўшма Штатларнинг бир-бири билан яқин бўлишга, бир-бирини яхшироқ тушунишга тобора кўпроқ интилаётганини кўриб турганимизни айтмоқчиман. Энг муҳими -- мамлакатларимиз бир-бири билан ҳамкор бўлишга, агар жоиз бўлса, ҳар жиҳатдан стратегик ҳамкор бўлишга тобора кўпроқ интилаётганини кўриб турибмиз.

Клинтон хонимнинг, оммавий ахборот воситалари намояндаларининг ҳозир бўлганидан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбари сифатида шу минбардан туриб мамлакатимиз Қўшма Штатлар учун очиқлигини яна бир бор айтмоқчиман. Биз Қўшма Штатларнинг вакиллари Ўзбекистонда кўпроқ бўлишини хоҳлаймиз. Биз АҚШ билан чуқур ва узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрмиз.

Мен бу сўзларни кимлар олдида гапираётганимни жуда яхши биламан. Бунда жуда катта маъно бор. Мен бу ерда Қўшма Штатларнинг биринчи хониминигина эмас, ўз ҳаётини инсонпарварлик ғояларига бағишлаган кишини ҳам қутлаб турганимизни айтмоқчиман. Ҳиллари Клинтон хоним амалга ошираётган улкан ишлар ҳозир бутун дунёда эътироф этилмоқда. Мен унинг барча хизматларини, болаларни ҳимоя қилиш, одамларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, бутун

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОР ВА ДЎСТ БЎЛИШДАН ФАХРЛАНАМИЗ

### АҚШНИНГ БИРИНЧИ ХОНИМИ ҲИЛЛАРИ КЛИНТОННИНГ САМАРҚАНД ЖАМОАТЧИЛИГИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ташаккур. Президент жаноблари, Сизнинг АҚШ Президенти шаънига айтган илиқ гапларингизни ҳамда унинг Ўзбекистонга ташриф буюриши тўғрисидаги таклифингизни албатта унга етказаман, деб ишонтираман. Бу ўринда унинг мен ўзидан олдин Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан бироз афсусланганини ҳам таъкидлашим лозим. Имконият пайдо бўлиши биланоқ у гўзал юртингизга ташриф буюриш ва бу ўлка билан танишиш истагида эканини яхши биламан. Мен бу ташрифнинг албатта амалга ошишига умид билдираман. Сиз ҳамда Каримова хонимга менга Сизлар ва халқингиз кўрсатган самимий меҳмондорлик ва иззат-икром учун миннатдорлик билдираман. Бу ерда ўтказган икки ярим куним мобайнида мен Тошкентда жуда кўп соҳаларда ишлайдиган ҳамда бошқа ишбилармон аёллар билан танишиб, улар билан ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаолияти борасида фикр алмашдим. Тошкентдаги университет талабалари ҳамда Бухородаги мактаб ўқувчилари билан учрашувларда улар билан инглиз тилида гаплашдим. Қўшма Штатларда амалга оширилаётган ишлар, менинг бу ёшлар ҳамда Ўзбекистон ҳақида фикримни сўраб берган саволларига жавоб қайтардим. Уларга таҳсинлар айтдим. Чунки мен дунёнинг турли бурчакларида таълим олаётган талабалар билан учрашганман -- мен бу гапларни Самарқандда турганим учунгина айтаётганим йўқ -- бу гапларни Ватанимга қайтиб борганимдан сўнг ҳам такрорлайман -- лекин бирон жойда Тошкент ва Бухородаги ёшлар сингари астойдил тайёргарлик кўрган, мазмунли саволлар берган йигит-қизларни учратмаганман.

Мен шунингдек, мамлакатингизнинг қадимий ёдгорликлари билан танишиш шарафига муяссар бўлдим. Шу боис бутун дунё кишиларига бу обидаларни зиёрат қилиш имконини яратиб бергани учун Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари аҳолисига миннатдорлик билдираман. Қадимий ва замонавий Ўзбекистонни ўз кўзим билан кўриш бахтига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Бугун эрталаб мен Каримова хоним билан бирга Бухородаги яҳудийлар синагогасига бордим. Яҳудийларнинг бу қадимий жомеъси раввини менга Сиз, Президент жаноблари ҳамда Сиз бошқараётган ҳукумат дин эркинликлари асосларини қайта тиклаётганингиз ҳамда диний ва маданий тотувликни таъминлаётганингиз ва рағбатлантираётганингизни гапириб берди. Каримова хоним менга совет коммунистик тузуми даврида фуқаролар ўз динларига эъти-

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ АНҚАРАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан, расмий ташриф билан Анқарага жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга интервью бериб, жумладан бундай деди:

-- Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган ва биринчилар қаторида биз билан дипломатия муносабатларини ўрнатган давлатдир. Ушбу сафардан мақсад Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги мавжуд алоқаларни янги босқичга кўтаришдан иборат. Туркия ҳукумати билан ўтказилажак расмий учрашувлар ва музокаралар якунида сиёсий ва иқтисодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш, божхона, соғлиқни сақлаш ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги талай ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Бундан ташқари, сафар давомида Туркиядаги йирик банклар, фирма ва компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган. Бу мулоқотларда Ўзбекистонга Туркия сармояси жалб этилишини янада фаоллаштириш, янги қўшма корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, Ўзбекистонда Туркия технологияси асосида автобус ишлаб чиқарадиган завод қурилишини тезлаштириш масаласи ҳам кўрилади.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

* * *

***АНҚАРА, 17 ноябрь. (ЎзА махсус мухбири Шуҳрат Умиров хабар қилади).***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация Туркия пойтахти -- Анқарага етиб келди.

«Эсенбўға» аэропортида Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикасининг Давлат байроқлари билан безатилган аэропортда Ислом Каримовни Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл илиқ кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар Президентимизга анвойи гуллар тақдим этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига фахрий қоровул саф тортди. Замбарак садолари остида Ўзбекистон ва Туркия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Аэропортда Президентлар оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот беришди. Унда Ислом Каримовнинг Туркияга мазкур ташрифи икки мамлакатнинг барча соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишидан умид билдирилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Сулаймон Демирэл ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президентининг қароргоҳига йўл олди.

Қароргоҳда Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг якка-ма-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Сўнгра Ислом Каримов ўзи учун махсус ҳозирланган «Жомли кўшк» қароргоҳи томон йўл олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

***• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА***

## ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ: УНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ ЯРАТИЛАДИ

***Айни пайтда қўмитада қандай янги қонун лойиҳалари юзасидан иш олиб борилмоқда? Мухбиримиз Олий Мажлис Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси Шавкиддин ЖЎРАЕВга ана шундай савол билан мурожаат қилди.***

-- Маълумки, мамлакатимиз нафақат ер ости маъданлари, балки ноёб ўсимликлари ҳамда ҳайвонот дунёсининг ранг-баранглиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Уларни асраш, ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бугунги кунда муҳим вазифалардандир. Шу боис қўмитамиз иккита -- «Ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари устида иш олиб бормоқда. Бу масала бўйича тегишли мутахассислардан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилган.

**-- Сиз тилга олган ўша ноёб ўсимликлар ҳам, ҳайвонлар ҳам асосан ўрмон ва тоғ шароитида «яшайди». Лекин биз ҳозирча ўрмонларимиз тўғрисида янги қонунга эга бўлганимизча йўқ...**

-- Нимага ишора қилаётганингизни тушундим. Дарҳақиқат, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот олами бир-бирисиз яшай олмайди. Масаланинг ана шу жиҳати ҳам назардан четда қолгани йўқ. Айни пайтда ўрмон тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда. У ишлаб чиқилгач Олий Мажлис томонидан қабул қилинса, табиат ва унинг муҳофазасига доир қонунлар мажмуаси яратилди, дейишимизга асос бўлади.

**(Ўз мухбиримиз).**

Мустақиллик боис Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрўйи тобора ортиб бормоқда. Дунёнинг турли мамлакатлари билан йўлга қўйилган иқтисодиёт, илм-фан, маданият соҳаларидаги ҳамкорлик йилдан-йилга кенгаймоқда. Мамлакатимиз улкан халқаро илмий, маданий тадбирлар ўтказиладиган марказга айланмоқда.

Ўзбекистонда бошланаётган Украина маданияти кунлари ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради. Украин халқи билан дўстлигимиз иккинчи Жаҳон уруши йилларида, зилзиладан зарар кўрган Тошкент қайта тикланган вақтларда тарих синовидан ўтган. Мамлакатларимиз ўртасида кейинги йилларда янги асослардаги ўзаро манфаатли тенг ҳамкорлик ривож топмоқда. Давлатларимиз аро битимга биноан мамлакатимизда Украина маданияти кунлари ўтказилиши ҳам ана шу ҳамкорлик натижасидир.

16 ноябрь куни кечқурун Ўзбекистон ва Украина Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортига кенг жамоатчилик вакиллари тўпланди.



## МАРҲАБО, ДЎСТЛАР!

Украина Бош вазирининг ўринбосари Валерий Смолий бошчилигидаги маданият кунлари қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев, Украинанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Владимир Сметанин ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар меҳмонларга турфа гуллар тақдим этди.

**(ЎзА)**

***• ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА***

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Президент фармойишига мувофиқ, банкрот ҳолатига тушиб қолган қишлоқ хўжалик корхоналарига ёрдам бериш учун санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси тузилган эди. 17 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасида шу комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни Республика Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Комиссия мажлисида агросаноат мажмуи иқтисодиёти муаммолари билан шуғулланувчи вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар ва иқтисодий ночор корхоналар билан шуғулланувчи вилоят қўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

Мажлис иштирокчилари жойларда зарар келтирувчи ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш ва уларнинг мол-мулкини рўйхатга олиш ишларининг ташкил этилиши билан танишдилар, Олий Мажлис кўриб чиқиши учун тақдим этишга тайёрланган «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси, ҳозирги даврда бу вазифани ҳал этиш йўллари билан танишдилар.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов (комиссия раиси), В. Чжен, Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлилият бошқармаси бошлиғи Г. Саидова иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев 17 ноябрда Украина Бош вазирининг ўринбосари В. Смолий раҳбарлигидаги Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари қатнашчилари делегацияси аъзолари билан учрашди. Мулоқот чоғида маданият, спорт, таълим соҳаларида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди. Ўзбекистонда ўтказилаётган Украина маданияти кунлари халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Учрашувда Украина маданият ва санъат вазири Д. Остапенко, Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В. Сметанин қатнашди.

**(ЎзА)**

## САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

### ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОЧИЛДИ

17 ноябрь. Муҳташам Халқлар Дўстлиги саройи байрамона безатилган. Саҳна тўрида Ўзбекистон ва Украина давлат байроқлари, республикамизда ўтказилаётган дўст мамлакат маданияти кунлари рамзи нур таратиб турибди. Тантанавор мусиқа янграб, республикамизда қардош мамлакат маданият кунларининг бошланишидан дарак беради.

Республика Бош вазири Ў.Султонов украиналик меҳмонларни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Ўзбекистон ҳукумати номидан табриклаб, ўзбек заминида бошланаётган Украина маданияти кунлари иккала халқ ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди. Зеро, истиқлол ўзбек халқига ҳам, украин халқига ҳам кенг тараққиёт уфқларини очиб берди. Тарихий қадриятларни, миллий анъаналарни тиклаш, маданиятни янада юксалтириш имкониятларини яратди. Байрам кунларида халқларимиз эришган ана шу ютуқлар яққол намоён бўлади.

Украина Бош вазирининг ўринбосари, делегация раҳбари В. Смолий дўст халқ маданият арбоблари ва санъаткорлари самимий кутиб олинганлиги учун миннатдорлик билдириб, биз бу байрамга украин халқи кейинги йилларда турмушнинг барча соҳаларида, айниқса, санъатни ривожлантиришда қандай ютуқларга эришганини намойиш этиш учун келдик, деди. Айни вақтда санъаткорларимиз истиқлол йилларида ўзбек халқи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритган ютуқлар билан танишадилар. Бу эса икки халқни бир-бирига яқинлаштиришга, маданиятларимизни ўзаро бойитишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

***18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАЙРОҒИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН***

## ҲИЛПИРАЙВЕР, БАЙРОҒИМ!



Бундан етти йил бурунга назар ташлайлик. Эсингиздами, 1991 йилга қадар байрам кунлари кўчалар, майдонларда, бинолар пештоқларида бир рангдаги -- қип-қизил байроқлар ҳилпираб турарди. Йўқ, аслида бундай дейиш унчалик тўғри бўлмас.

Байроқларнинг биттаси тус қизил, қолган ўн бештасининг ўртароғида бошқа қандайдир рангдаги «белбоғ» бўларди. Каттакон ўроқ-болға муҳрланган тус қизил байроқ СССР деган истибдод салтанатиники, қолган ўн бешта «эгизак», бир-биридан белбоғининг ранги ва жойлашган ўрни билангина фарқ қиладиган мато эса, унинг «ўгай» фарзандлари -- номигагина мавжуд «иттифоқдош» республикаларники эди. Байроқларнинг «эгизак»лигининг сабаби -- уларнинг барчаси бир жойда - Москвада таъсис этилиб, тасдиқлангани, сўнгра республикаларга улашилгани маълум, албатта. Тўғриси, улар орасидан Ўзбекистонга тегишли байроқни ажратиб олиш ҳам қийин эди...

Биз ана шу -- инкубатор жўжалари сингари бир хил матолардан бошқа байроқни билмасдик. Бинобарин, бизнинг байроғимизни ҳам ҳеч ким билмасди. Ўзбекистонлик санъаткорлар, спортчилар бирон-бир хорижий мамлакатга борса ҳам, ўша -- ўроқ-болғали қизил байроқ билан борарди. Очиғини айтганда, номига мавжуд бўлса-да, Ўзбекистонимиз байроғи аслида йўқ эди...

Байроқсиз давлат ҳам бўларканми, дерсиз. Мана, кўриб турибсизки, бўларкан. Йўқ-йўқ, бу гап ҳам унчалик тўғри эмас. Аслида Ўзбекистон деган давлат ҳам йўқ эди-ку!

(Давоми 2-бетда).

## АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

### АЛЛО, «ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

#### «ПРАВДА ВОСТОКА»... ЎЗГАРДИ

Газеталарингиз мухлиси Солижон Қудратовман. Энди янгиликни эшитинг. Кеча бир юмуш билан шаҳар айланаётиб, кўзим лоп этиб, «Бухоро кўчаси» дейилган янги ёзувга тушиб қолди. Кўнглим шундай яйраб кетдики, тасвирлашга тилим ожизлик қилади. Бу кўча агар адашмасам 30-40 йилдан буён «Правда Востока»деб аталарди. «Бухоро» узукка кўз қўйгандек бўлибди. Шу янгиликни сизларга илиндим. Лекин шаҳримизда бизга мутлақо алоқаси бўлмаган турли хил ажнабийлар номи кўча ва муюлишларда ҳали ҳам осиғлик турганига яна бир бор эътибор қаратишларингизни истардим.

### ...ДАН ГАПИРАМИЗ!

***БИ-БИ-СИ:***

#### ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИГА МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИЛДИ

Маълумки, беш ҳафтадан буён БМТнинг қочоқлар масалалари билан шуғулланадиган маҳкамаси назорати остида тожик қочоқлари Афғонистондан Ўзбекистон орқали ўз туғилган юртларига кузатилмоқда. Якшанба куни Афғонистоннинг Ўзбекистонга яқин бўлган ҳудудида жойлашган лагердаги энг сўнгги қочоқлар Афғонистонни тарк этди.

Би-Би-Си мухбирининг маълумотларига қараганда, беш ҳафта муддат давомида Афғонистондан Ўзбекистон орқали минглаб қочоқлар ўз юртига қайтарилган. Ана шу масалалар билан шуғулланадиган БМТ ҳамда Тожикистон мулозимлари қочоқларни ўз юртларига эсон-омон қайтишида яқиндан кўмак берган, барча шароитларни муҳайё қилган Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилишган.

### ЭЪТИРОФ

#### ЁЗУВЧИЛАР АКАДЕМИК БЎЛИШДИ

Америкадан хушхабар келди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати Неъмат Аминов АҚШ Фан, техника ва санъат академияси аъзоси -- академиги этиб сайландилар. Ўзбекистонлик адибларнинг сўз санъатига, адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси океан ортида эътироф этилиши юртдошларимиз қалбида алоҳида фахр-ифтихор туйғусини уйғотди.

### ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

#### БЕКИТИБ ЎҚИЙМАН

Ҳовлимизга кирган киши, аввало, ёйилиб ётган газеталарни, сўнг мени кўради. Нашрларни бири-биридан қизғаниб, аввало, ёйиб ташлайман. Кейин тонгдан тунгача ўқийман.

Кексайиб, оёқ оғриқ касалига йўлиқдим. Тўғриси, газетларда битилган ҳаётий лавҳалар, турмушга оид битикларни ўқиб енгил тортаман. Оғриқлар унутилади.

Невара-чевараларим шўх, шунинг учун нашрларни кўрпача остига беркитиб қўяман. Айниқса, «Халқ сўзи»ни. Шукрки давлат пенсия беради. Ўшани олиб, келгуси йилга яна «Халқ сўзи»га ёзилдим. Бундан хурсанд бўлган журналист қизим янги кўзойнак олиб берди.

**Ойдин НОРМУРОДОВА**
**Қашқадарё вилояти,**
**Китоб шаҳри,**
**Ҳ. Олимжон кўчаси, 30-уй.**

**Соат милларини И. НУСРАТ кузатди.**

# ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗ — МУШТАРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

дунёда зўравонлик бўлмаслиги учун, миллати, танининг ранги, диний эътиқодидан қатъи назар, жамиятда барча кишилар ҳақиқий инсон сифатида яшаши йўлида амалга ошираётган ишлари учун Ҳиллари Клинтон хоним олган барча мукофотларни санаб ўтирмайман.

Мен Клинтон хонимнинг хотин-қизлар ва болалар бахти йўлидаги фаолиятини алоҳида таъкидлайман. У хотин-қизлар, ҳозир дунёга келаётган гўдаклар яхши яшаши учун, аёл киши жамият ҳаётида муносиб ўрин тутиши учун жуда катта иш қилмоқда.

Мен ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хотин-қизларимизга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берилаётганини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истардим. Шу сабабли биз Ҳиллари Клинтон хоним бу борада халқаро майдонда қилаётган ишларининг аҳамиятини яхши англаймиз.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у амалга ошираётган ишларнинг ҳаммаси келажагимизни англашга ҳамоҳангдир.

Бу залда Самарқанд шаҳри аҳолисининг турли табақалари вакиллари ўтирибди. Бу ерда дўстларимни, бир пайтлар бирга ўсиб-улғайган кишиларни кўриб турибман, православ ва мусулмон динларининг ҳурматли вакилларини кўриб турибман

Бу гапларим билан Ҳиллари Клинтон хонимга Самарқанд ноёб шаҳар эканини айтмоқчиман. Унда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Бу ерда арманлар ва озорбайжонлар ёнма-ён осойишта яшайди -- озорбайжонлар маҳалласи ҳам бор, арманлар маҳалласи ҳам бор. Ҳаммаси аҳил ва иттифоқ, улар ҳатто бир-бирига қариндош бўлган, муштарак оилалари бор. Бу -- тинчлик, осойишталик, адолат, бу диёрдаги тотувлик бизнинг эзгу орзуимиз эканининг яна бир далилидир. Кишиларимизнинг барча истаклари шу мақсадга қаратилган.

Мен шу жамиятга мансублигимдан, шу шаҳарда туғилганимдан фахрланаман, бугун Ҳиллари Клинтон хонимни Ўзбекистонда кутиб олаётганимиз билан фахрланаман. Бу биз учун катта шарафдир. Шунинг учун ҳам мен Ҳиллари Клинтон хонимга мурожаат қилиб, биз учун бу -- тарихий воқеа, демоқчиман. Бундан ҳатто беш-олти йил олдин Қўшма Штатларнинг биринчи хоними бу ерга келиб, биз билан мулоқотда бўлишини тушимизда ҳам кўрмас эдик. Ҳиллари Клинтон хонимнинг бу ерга келиши биз тоталитар социалистик совет тузумидан озод бўлганимизнинг натижасидир. Биз ўз демократик йўлимизни танлаб олганмиз. Шу ерда ўтирган ҳар бир киши каби менинг ҳам ишончим комилки, биз бу йўлдан оғишмаймиз. Бу йўл -- демократия йўли, озодлик йўли, шу саховатли диёрда яшаётган барча кишилар учун муносиб турмуш шароитини барпо этиш йўли бўлиб, у ҳаётимизнинг мазмунидир.

Шу ўринда мен Ҳиллари Клинтон хонимга фақат бир истак билдирмоқчиман: мен Ҳиллари Клинтон хоним келаси гал шу ерда ёки бошқа залда умр йўлдоши Билл Клинтон жаноблари билан бирга ўтиришини, бу мумкин қадар тезроқ юз беришини орзу қиламан.

Биз Америка Қўшма Штатларининг жаҳон сиёсатида ҳам, жаҳон иқтисодиётида ҳам тутган ўрни ва мавқеини биламиз. Биз Қўшма Штатлар бугунги кунда демократия, шахс эркинлиги рамзи, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти мазмуни деб билган барча эзгу нарсанинг рамзи эканини биламиз.

Мен Клинтон хонимдан Ўзбекистонда муттасил олға интилувчи жараёнлар кечаётгани, биз ҳам Америка халқи интилаётган идеаллар сари интилаётганимизни Америка жамоатчилиги эътиборига етказишни илтимос қилган бўлардим. Бизнинг идеалларимиз, мақсадларимиз тўла уйғун эканига менинг ишончим комил. Аммо биз мақсадимиз сари элтадиган йўлни босиб ўтишимиз учун ҳали бироз вақт керак.

Клинтон хоним кеча Бухорода бўлган эди, бугун Самарқандга ташриф буюрди. Мен Самарқандда туғилган ҳамда ўзи ўсиб-улғайган жойни унутмайдиган киши сифатида Ҳиллари Клинтон хонимга бу сафарида бошқа киши ҳамроҳ бўлиши мумкинлигини тасаввур қилолмадим. Мен дипломатик протокол тартиби қатъий эканини, телевидение воситасида миллионлаб кишилар биз Клинтон хонимни қандай кутиб олаётганимизни кўриб турганини биламан. Кимдир, эҳтимол, бунга ҳам бошқача тус берар. Аммо буларнинг барчаси эскиликдан қолган сарқит. Мен бундай кишиларга: жаноблар, бизга кимни қандай кутиб олишни ўргатадиган замонлар ўтиб кетганини унутдингизми, деган бўлардим.

Биз протоколга риоя қилишга ҳаракат қиламиз, албатта, лекин протоколлар очиқ қалблар ўртасига тўсиқ бўлмаслиги керак. Мен Клинтон хонимга нафақат АҚШнинг биринчи хонимига, балки ўзим астойдил ҳурмат қиладиган ва яхши кўрадиган инсонга бўлган ҳурмат-эҳтиромимни ҳам изҳор этишни истайман.

Мен бугун Клинтон хонимга унинг ўзида ҳам, турмуш ўртоғи Билл Клинтон жанобларида ҳам Аллоҳ ёки Худо берган алоҳида фазилатлар борлиги тўғрисида гапирдим. Мен Худонинг битталигига аминман, албатта.

Хуллас, айтмоқчиманки, Худо бу инсонларга барчага ҳам насиб бўлавермайдиган алоҳида фазилатлар бахш этган. Уларнинг жозибаси, атрофдагиларнинг эътиборини тортадиган маълум инсоний хусусиятлари, уларга нисбатан одамларда уйғонадиган таважжуҳ шу фазилатлар жумласидандир. Назаримда, улар билан мулоқотда бўлган ҳар бир киши буни ҳис этгани аниқ.

Мен ўтган йили Клинтон жаноблари билан учрашганимдан бахтиёрман. Бугун ҳам, унинг рафиқаси, Қўшма Штатлар сиёсатида ўзининг маълум ўрнига эга бўлган, ўз олдига олижаноб мақсадларни қўйган ҳамда ана шу мақсадлар сари интилаётган инсон даврамизда эканидан бахтиёрман. Бу аёлга нисбатан юксак эҳтиром билан қарамаслик мумкин эмас. Раҳмат.

# БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОР ВА ДЎСТ БЎЛИШДАН ФАХРЛАНАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қод қилиш ҳамда асрлардан буён давом этиб келаётган тўй ёки аза билан боғлиқ урф-одатлар тақиқлаб қўйилганини гапириб берди. Худога шукр, бу даврлар орқада қолди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли динга мансуб кишилар ўз динига эътиқод қилиши мумкин.

Президент жаноблари қайд этганидек, ўзларининг истеъдоди, имконияти ва жуда кўп турли-туман анъаналар билан боғлиқ орзу-умидларини юзага чиқараётган турли миллат вакиллари Марказий Осиёдаги мана шу нуфузли маданият марказида тинч-тотув яшаб келмоқда. Мен Самарқанд ҳамда Ўзбекистонга турмуш ўртоғим, Президент Билл Клинтон ҳамда Америка халқи номидан халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, сизларнинг демократия, фуқаролар жамиятини барпо этиш ва барча фуқароларга ўз орзуларини амалга оширишида ёрдам бериши лозим бўлган иқтисодиётни барпо этиш борасида эришган муҳим ютуқларингизни ўз кўзим билан кўриш учун ташриф буюрганман.

Бироқ, ташрифимнинг бошқа сабаби ҳам бор. Мен бу ерга сизлардан ўрганиш учун ҳам келганман. Сизларнинг бой ўтмиш тарих ва маданиятингиз билан танишибгина қолмай, динлар ва миллатларнинг ўзига хослигига чуқур ҳурмат билан қараш борасидаги анъаналарингиз билан ҳам танишиш ниятида келганман. Чунки бу -- жуда кўп авлодлар умри давомида сизларнинг ана шу бой ва тарихий маданиятингизнинг гуллаб-яшнашига имкон берган.

Тошкентдан сўнг Бухоро ва Самарқандга ташриф буюрар эканман, сизларнинг муқаддас қадамжоларингиз гўзаллигидан ҳайратга тушдим. Бироқ, менда энг катта таассурот уйғотгани уларнинг ўзаро яқинлиги бўлди. Мусулмонлар, христианлар ва яҳудийлар ёнма-ён ҳолда ўз динларига эътиқод қилар экан. Бу одат жуда кўп асрлардан буён давом этиб келаётгани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Мана шундай, бир-бирига ҳурмат-эҳтиром билан қараш руҳи жамиятингизнинг барча соҳаларига сингиб кетган. Турли илдизларга эга бўлган халқлар минг йиллардан буён тинчлик ва дўстликда яшаб келган ва бугун ҳам шундай яшамоқда. Бухородаги мактабда атрофимда ўтирган болалар менга ўзбек, тожик ва рус тилларида кўп саволлар беришди. Уларнинг қизиқиши шу қадар катта эдики, суҳбатимиз имкон қадар чўзилишини исташарди. Мен уларнинг даврасини ноиложликдан, мана шу болалар мансуб бўлган давлатнинг келажаги буюклигига амин бўлган ҳолда тарк этдим. Ўзбекистон халқининг қадимдан таълим ва илм-фанга меҳр қўйганини биламан. Бунинг устига, мамлакатингиз алгебра фанининг ватани ҳисобланади. Шу нарса аниқки, олам сиз эга бўлган билимлар туфайли анчагина олға силжиган. Сизлар буюк бадиий ва адабий анъаналарга эгасиз, аҳолингизнинг саводхонлик даражасига эса жуда кўп мамлакатлар ҳавас қилса арзийди. Мен сизларнинг янги жамият қуриш борасидаги ишлар билан банд эканингизни жуда яхши англайман. Муайян қийинчиликларга қарамай, болалар учун барпо этилган кучли таълим тизимингизни ҳимоя қила олишларингизга ишонаман. Зеро, мен университет талабалари ва мактаб ўқувчиларининг қиёфасини кўриб, сизларнинг ёш авлодларингиз ақл-идрокида улкан салоҳият мавжуд эканига амин бўлдим. Гуллаб-яшнаётган демократияни барпо этиш учун таълим-тарбиянинг кучли пойдевори бўлиши лозимлигини яхши биламиз.

Бугунги кунда сизларнинг бундай турфа ҳаёт кечиришдаги тажрибаларингиз ўзларингизга табиий туюлиши мумкин. Президентларингиз Самарқандда туғилиб, вояга етганини айтган эди. У турли халқларнинг биргаликда тинч-тотув яшаши турган гап ҳамда бу оддий анъана, деб қарайди. Бироқ, бундай турфалик ноёб намуна ҳисобланади. Чунки агар бугунги кунда оламга назар ташласангиз, эски ва янги, этник ва диний тафовутлар нафрат, зўравонлик ва ғайриинсоний туйғуларнинг тарқалишига сабаб бўлаётганини кўрасиз.

Сиз бугунги кунда Боснияда, Руандада, Шимолий Ирландия ва Яқин Шарқда ҳам экстремистлар муқаддас анъаналар ниқобини инсонларни Худога яқинлаштириш мақсадида эмас, Ундан узоқлаштириш мақсадида кийиб олганига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Мен қадимий Ипак йўли бўйлаб ўтган карвонларда жамулжам бўлган маданиятлар турли-туманлиги ўзаро ҳурмат анъанасини аста-секинлик билан олға силжитганини ва ёвуз ниятларга қарши курашда қуролга айланаётганини яхши тасаввур қиламан. Хитой, Европа, Ҳиндистон, Византия ва араб дунёсидан келган сайёҳлар карвонсаройларда учрашиб, бир пиёла чой устида суҳбат қурганлар, шу йўл билан одамлар ўртасидаги ришта台ларни мустаҳкамлаганлар.

Охир-оқибатда савдо-сотиқ ривожи нимага боғлиқ? Савдо билан шуғулланиши учун инсон турли «тўсиқ ва девордардан» холи бўлган, эркин жамиятда яшаши керак. Ахборот, ғоялар, товарлар ва одамлар эркин ҳаракатланиши лозим.

Савдо-сотиқ ўзаро ҳурмат асосида қурилади. Савдо қилиш учун сиз, сизга ўхшамаган бир одам сизга таклиф қилиш учун керакли нарсага эга эканига ишонишингиз зарур. Сиз ҳам, ана шу сабабларга кўра, унинг моли ўрнига таклиф қилиш учун тенг қимматли нимагадир эга бўлишингиз керак.

Бу асосий тамойил савдо-сотиқ ва тижорат ривожидан кўра кўпроқ нарса беради. Бу сизда сабр-тоқат туйғуларини тарбиялайди, ҳеч бўлмаса бошқа ирққа мансуб одамни тушуниш истагини туғдиради. У одам сизникидан бошқа бўлган динга эътиқод қилиши ёки сизникидан фарқли қадриятга эга бўлиши мумкин.

Фикрларни қабул қилишга бўлган бундай очиқлик исломнинг буюк файласуфларига тўққизинчи, ўнинчи ва ўн иккинчи асрларда Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўз таълимотларига Ғарб фикрини сингдириш имконини берди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари асрлар қаърида йўқолиб кетиши мумкин бўлган донишмандликни (Аристотель ишлари каби) тўлалигича сақлаб қолди.

Бу очиқлик, шунингдек, Ўзбекистонни энг қадимги Европа қабилалари учун Яқин Шарқдан ташқаридаги ишончли хонадонга айлантирди.

У бугунги кунда сўфийларнинг йирик ҳаракатига айланган нақшбандия тариқати ривожланиши учун йўл очди. Бухоро бу ажойиб ҳаракат анъаналарини ҳурмат қиладиган ва айни вақтда экстремизмни инкор этадиган масканга айланди.

Мен кеча Бухоро масжидларидан бирида мулла билан суҳбатлашиб бениҳоя ҳаяжонландим. У ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада теран ва кучли ривожланишига умид билдирди.

Тасаввур қилиб кўринг, шу қадар диний эътиқодларни қадрлайдиган, дунёнинг турли бурчакларидан кўплаб одамларни қабул қила оладиган бу очиқлик Самарқанд ва Бухоронинг 2000 йилдан зиёд давр мобайнида яшаб келаётганининг сабабларидан биридир.

Сизларнинг буюк тарихий ўтмишингиздан қатъи назар, агар халқингиз келажак йиллар тўғрисида ўйламаганда, мен ҳайрон қолган бўлур эдим. Чунки коммунизм биноси вайронага айланган бир пайтда янги озодлик тизимининг қийин кечадиган қурилиши эндигина бошланди.

Бугунги кунда дунёдаги энг қадимий демократия ватани бўлган ўз мамлакатим тажрибасидан келиб чиққан ҳолда биламанки, демократия қурилиши узоқ давом этадиган жараёндир, у бу ишга бир неча авлодларга мансуб бўлган ҳамма фуқароларнинг иштирокини талаб этади.

Ўзбекистонга, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари (Қозоғистон ва Қирғизистонга) ташрифим давомида мен шунга амин бўлдимки, сизлар бу йўлни муваффақият билан босиб ўтасиз. Чунки эски тузум тазйиқидан омон чиқиш учун ақл бовар қилмайдиган даражада мардлик ва сабр-бардош талаб этиларди. Мақсади миллий ўзликни йўқотиш, маданият ва динни барбод қилиш бўлган, Ипак йўлини темир панжаралар билан беркитиб қўйган тузумда ҳам яшаб, чидаб келдингиз. Ҳозир ўша темир панжара парчаланиб, Ипак йўли яна гуллаб-яшнамоқда. Сиз келажакка боққан ҳолда демократиянинг янги йўналиши томон ажиб шижоат билан ҳаракат қилмоқдасиз.

Буюк Ипак йўлидан янги имкониятлар сари дадил бормоқдасиз. Демократияни қарор топтириш, янги имкониятларни қўлга киритиш ҳам жасорат талаб этади.

Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатингиздаги каби, менинг юртимда ҳам демократия жамиятнинг турли табақаларига мансуб бўлган барча одамларнинг шахсини ҳимоя қилишга даъват этилган муассасаларнинг ривожигагина боғлиқ эмас. Демократия қайта ва қайта эркин ва адолатли сайловлар ўтказишдангина иборат эмас. Демократия виждон эркинлиги ва ўз фикрини ифода этиш эркинлигидангина ҳам иборат эмас. Демократия охир-оқибатда барча фуқароларнинг қалби ва онгига демократик қадриятлар қай даражада синггани, шунингдек, бу қадриятларнинг нечоғли авайланиши ва авлодлардан авлодларга етказилишига боғлиқ. Бу ҳар қандай демократиянинг, айниқса, сизлардаги каби янги пайдо бўлаётган демократиянинг энг муҳим талабидир. Бироқ мен шунга аминманки, бу заминда неча авлодлар ҳаёти давомида яхши сақланиб келаётган ўзаро ҳурмат ва сабр-тоқатлилик анъаналари олдингизда турган ана шу талабларга жавоб беришда муҳим омил бўлади.

Қисқа даврда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар анча ривожланди, ишонч билан айтиш мумкинки, эндиликда бу муносабатлар янада мустаҳкамланади. Сиз кўп қиррали жамиятни барпо этиш масалаларида ҳали дунёга кўп сабоқ берасиз. Чунки сизнинг кўҳна заминингиз асрлар давомида кўплаб улуғ инсонларни Буюк Ипак йўли орқали бой савдо ва маданиятга эга бўлган янги олам билан боғлаш учун хизмат қилган. Бугун бу йўлдан сиз қайта ўтмоқдасиз, фақат бу сафар ўзгача -- эркинлик ва демократиянинг янги олами сари интилмоқдасиз. Гарчи, манзил ўта машаққатли, баъзан унинг уфқи жуда йироқ туюлса-да, сиз, албатта, ўз мақсадингизга эришасиз, деб ишонаман. АҚШ Президенти ва халқи бу йўлда сизлар билан бирга, ҳамқадам бўлишига барчангизни ишонтираман. Биз демократия йўлида сизлар билан ҳамкор ва дўст бўлишдан фахрланамиз.

(ЎзА)



# ҲИЛПИРАЙВЕР, БАЙРОҒИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳар қандай кишининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлганидек, ҳар бир давлатнинг ҳам «шахси»ни тасдиқловчи тимсоллари бўлади. Давлатники -- унинг Байроғи, Герби ва Мадҳиясидан иборат бўлади...

(Телевизорда бир спорт мусобақасини кўриб ўтирган эдим. Биласизки, ғолиблик шоҳсупасига чиққан спортчилар тепасига уларнинг давлати байроғи кўтарилади. Бу гал ғолиб спортчи мансуб давлат байроғи кўтарилмади. Ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, ўша давлатнинг байроғи йўқ экан. Ёқамни ушладим: Худо кўрсатмасин!).

Бу узоқ даромаддан буромад шуки, биз кўпинча шукр айтишни билмаймиз ёки унутиб қўямиз. Ҳолбуки, олға қадам босишдан олдин ортга бир назар ташлаб қўйиш мутлақо зиён эмас, аксинча кони фойда эканини унутмаслигимиз лозим, деб ўйлайман.

Хуллас, тарихий 1991 йилга қадар биз ўзга байроқни кўтариб юрганмиз. Ўзга байроқни тавоф қилганмиз. Ўзга байроқни мадҳ этганмиз...

Ниҳоят, тарихий 1991 йилнинг 31 август тонги отди. Президентимиз Парламентимиз сессиясида Ўзбекистон Мустақиллигини эълон қилди. Шу кундан ўзимизни таний бошладик. Мустақилликнинг ўтган олти йили мобайнида тикланган қадриятларимиз, буюк аллома аждодларимиз номларининг ўзиёқ жуда кўп нарсадан далолат бериб турибди.

Аслида олти йил нима деган гап! Илгари гувоҳ бўлганмиз: оддийгина бино ўнлаб йиллар давомида битмай ётарди. Республикамизда мана шу олти йил ичида қурилган улкан заводлар, бинолар, иншоотлар, йўллар, бажарилган ободончилик ишларини кўрган одам ҳайратга тушади!

Фақат улкан салоҳиятга эга бўлган давлатдагина бундай мўъжизалар юз бериши мумкин!

Ана шу давлат -- Ўзбекистонимиз мустақиллик йўлига кириши биланоқ ўз қиёфасини тиклашга, ўз «паспорт маълумотлари»ни барпо этишга киришди. МДҲдаги давлатлар ўртасида биринчилардан бўлиб ўзининг Конституцияси, ўзининг Байроғи, ўзининг Герби, ўзининг Мадҳиясига эга бўлди.

Гап Байроқ ҳақида.

Илгари Ҳукумат биноси томининг икки четида албатта иккита -- баландроқда СССР байроғи, пастроқда эса Ўзбекистон байроғи осилиб турарди. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, шу ҳолнинг ўзи ҳам мустамлакачилик тузумининг бир кўриниши экани аён бўларди. Бугунги кунда эса, Худога шукр, барча расмий идораларимиз биноси тепасида янги Ўзбекистоннинг янги Байроғи танҳо ва мағрур ҳилпираб турибди.

Ўзбекистон Байроғи муҳташам «Туркистон» саройи пештоқига зарб этилган.

Ўзбекистон Байроғи республикамизнинг ҳамма жойида салобат тўкиб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз Байроғи фақат Ўзбекистондагина ҳилпираётгани йўқ.

Байроғимиз Президентимиз сафар қилган давлатларда, хориждаги элчихоналаримиз, юртимиз вакиллари иштирок этаётган кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилаётган жойларда ҳилпираб турибди.

Ҳозир Тошкентда ёки Ўзбекистонимизнинг бошқа шаҳарларида халқаро тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказилаётганида жаҳондаги турли мамлакатларнинг ҳилпираб турган байроқларини кўриб, кўзингиз қувонади. Уларнинг ранг-баранглигини кўриб, олам қандай ранг-баранг, гўзал эканига амин бўласиз.

Демак, Байроғимиз давлатимиз қиёфасини белгиловчи тимсоллардан бири бўлибгина қолмай, бизга оламни очиб берган, барчамизни унинг гўзаллигидан баҳраманд этаётган омиллардан бири ҳам экан...

...Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида ишланган «Кўнгил кўчалари» видеофильмида бир эпизод бор. Фильм қаҳрамонларидан бири кинотеатр ёнидан ўтиб кетаётиб, майдондаги байроқ дастасига ўралиб қолганини кўради. У ён-верига қараб, ҳеч кимни тополмагач, кассага киради. Кассир аёл: «Сизга нечта билет керак?» деб сўрайди. Қаҳрамон: «Байроқ дастасига ўралиб қолибди, раҳбарларингизга айтиб қўйсангиз, уни тўғрилаб қўйишса, -- дейди. -- Ахир байроқ ҳилпираб туриши керак-да!» Кассир аёл унга ҳайрон бўлиб қараб қолади-да: «Ўзингиз ким бўласиз?» деб сўрайди. «Бунинг нима дахли бор, -- дейди қаҳрамон жилмайиб. -- Мен оддий бир фуқароман»... Сўнг ўша байроқнинг ҳилпираб тургани намоён бўлади.

Биз барчамиз мустақил Ватанимиз рамзи бўлган Байроғимизга ана шундай муносабатда бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Ватаннинг ҳар қарич ери, ҳар бир тимсоли ҳам Ватан. Унга содиқ, унга фидо бўлиб яшайлик!

Ҳилпирайвер, Байроғим!

**М. ХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ





(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, биз украин халқининг кўп асрлик тарихи ва бой маданиятига катта қизиқиш билан қараймиз. Бу халқнинг Т. Шевченко, И. Франко, А. Довженко каби фидойи фарзандлари жаҳон маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Айни вақтда украиналиклар ҳам саховатли заминимиз фарзандлари -- Беруний, Ибн Сино, Навоий даҳосига юксак ҳурмат билан қарайди. Тадбир давомида олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар ижодий мулоқотда бўладилар, меҳнаткашлар билан учрашадилар. Бу ана шу ўзаро ҳурматнинг, хайрли дўстлик анъаналарининг давом этишидан далолатдир.

Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари тантанали равишда очиқ, деб эълон қилинади. Икки давлат мадҳиялари янграйди.

Тантанали маросим Ўзбекистон ва Украина санъат усталарининг дўстлик концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

* * *

Шу куни Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб, мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

(ЎзА)

**М. АМИН, А. РИСҚИЕВ**
**олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 18 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 54,86 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,40 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 131,65 |
| 10 Бельгия франки | 21,82 |
| 1 Голландия гульдени | 39,97 |
| 10 Греция драхмаси | 2,87 |
| 1 Дания кронаси | 11,82 |
| 1 БАА дирхами | 21,27 |
| 1 АҚШ доллари | 78,11 |
| 1 Миср фунти | 23,04 |
| 1 Ирландия фунти | 117,24 |
| 1 Исландия кронаси | 1,10 |
| 10 Испания песети | 5,34 |
| 100 Италия лираси | 4,60 |
| 1 Канада доллари | 55,31 |
| 1 Хитой юани | 9,43 |
| 1 Қувайт динори | 257,53 |
| 100 Ливан фунти | 5,09 |
| 1 Малайзия ринггити | 23,58 |
| 1 Германия маркаси | 45,01 |
| 1 Норвегия кронаси | 11,04 |
| 1 Польша злотийси | 22,45 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,42 |
| 1 Сингапур доллари | 49,54 |
| 1000 Туркия лираси | 0,41 |
| 1 Финляндия маркаси | 14,97 |
| 1 Франция франки | 13,44 |
| 1 Швеция кронаси | 10,41 |
| 1 Швейцария франки | 55,42 |
| 1 ЭКЮ | 89,05 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,79 |
| 10 Япония иенаси | 6,26 |
| 1000 Россия рубли | 13,24 |
| 1 Украина гривнаси | 41,61 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,63 |
| 1 Эстония кронаси | 5,63 |
| 1 Латвия лати | 134,91 |
| 1 Литва лити | 19,53 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 1,03 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,53 |

***Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

*• МУНОСАБАТ*

# ДЕМОКРАТИЯГА ХОС ТЎРТ БОСҚИЧ

Буюк Британиянинг собиқ ҳукумат раҳбари Черчиль: «Демокртия қанчалик ёмон бўлса ҳам, инсоният ҳозирча бундан яхшироғини ўйлаб топгани йўқ, »деган эди. Гарчи бу гап қулоққа сал ғалати ва ноанъанавийроқ туюлсада, лекин замирида катта ҳақиқат бор. Чунки инсоният бугунги кунда жамоа тарзидаги ҳаётнинг энг мақбул шакли «демократик жамият», деган ягона тўхтамга келмоқда. Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришган дастлабки кунданоқ бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Бироқ бу жараён мураккаб, ҳатто айтиш мумкинки, хавфли-хатарли ҳам эди. Шу боис, Ўзбекистон 90-йилларда унинг «аччиқ таъми»ни татиб кўрди: демократияни ўзбошимчалик (анархия) тарзида тушунадиганлар кўриниб қолди. Ҳамдўстликдаги баъзи мамлакатларда эса бу ҳолат хунрезликлар, биродаркушликларга сабабчи бўлди...

Президент гарчи аввал ҳам жамиятни демократлаштириш жараёни ҳақида кўп гапирган ва ёзган бўлса-да, лекин «Известия» газетаси мухбирлари билан қилган суҳбатида мазкур масалага яна бир бор тўхталиб, унинг ҳали кўпчилик англаб етмаган жиҳатлари -- демократияни шакллантириш ва қарор топтириш йўлларини содда ва лўнда қилиб тушунтириб берди.

Жаҳон давлатчилиги тажрибаси ҳар хил «изм» ва ғояларни бир мамлакатдан бошқасига «асл нусха»да экспорт қилиб бўлмаслигини «совет» деб аталган жамият мисолида яна бир бор исботлади. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки кунларида мамлакатимиз олдида: «Модомики шундай экан тоталитар жамиятдан демократик жамиятга айниқса, Марказий Осиё, Ўзбекистон шароитида қандай қилиб ўтиш мумкин?», деган савол пайдо бўлди.

Марказий Осиё деб алоҳида таъкидланишининг боиси шундаки, бу минтақада анъанавийлик омили бор. Бундай ҳолатдан табиийки, Ўзбекистон ҳам мустасно эмас. Анъана, тафаккур ва онг шундай ҳодисаларки, у юз, минг йилликлар давомида шаклланади ва уни ўзгартириш ҳам шундан кам бўлмаган муддатни талаб қилади. Президент «Известия» мухбирлари билан суҳбатда буни очиқ-ойдин таъкидлади.: «Бизда анъанавийлик жуда ривожланган, республикада аҳолининг олтмиш фоизи қишлоқ аҳолиси ҳисобланади, бинобарин, уларда анъанавийлик жуда кучли сақланиб қолган. Советлар даврида биз коммунистик ақида ва қонунларга тўла мос келмасдик. Ҳозир эса демократик қонунларга мос келмаяпмиз. Бунинг учун бизга вақт керак».

Ўзбекистон шунинг учун ҳам ислоҳотларни «босқичма-босқич» амалга ошириш йўлини танлади. Бу тамойил бевосита жамиятни демократлаштириш жараёнига ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон шароитида ҳуқуқий демократик жамиятни қарор топтириш учун, демак биринчи галда анаънавийлик мезонига нафақат эътибор қаратишимиз, балки унинг билан ҳисоблашишимиз лозим. Иккинчидан, аввал мамлакат аҳолиси турмушини юксалтиришимиз даркор. Чунки биз истаймизми ёки йўқми «турмуш онгни белгилайди». Учинчи, балки энг асосий босқич эса фуқаролар онги, тафаккурини ўзгартиришдир. Аҳоли турмушининг юксалиши ўз навбатида одамлар онги ва тафаккур тарзини ўзгаришига олиб келади. Ана шундан кейингина биз тўртинчи босқич, яъни орзу қилган ва олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйган ҳуқуқий демократик жамиятга табиий йўсинда -- ҳеч қандай зўриқиш ва талофотсиз эришишимиз мумкин. Бунинг учун эса, Президентимиз «Известия» газетаси мухбирлари билан суҳбатда таъкидлаганидек, вақт керак.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

